
Сайёр қабуллар: муаммоларни ҳал қилишнинг самарали механизми

Қува туманидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида жойларда сектор раҳбарлари томонидан сайёр қабуллар мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Хусусан бугун Қува тумани ҳокими Ҳалимжон Умаров томонидан 1-сектор биносида жисмоний ва юридик шахслар иштирокида “Сайёр қабул” ўтказилди. Ўтказилган қабулда туман прокурори О.Тошматов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қува тумани Халқ қабулхонаси мудирини М.Мўйдинов ҳамда тумандаги корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этишди.

Қабул давомида фуқаролар томонидан коммуникация тадмоқларини яхшилаш, бандликни таъминлаш, моддий ёрдам ажратиш, даволаниш, уй-жойини таъмирлаш, имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш масаласида 36 та мурожаатлар келиб тушди.

Билдирилган мурожаатларнинг 27 таси тегишли масъулларни жалб этган ҳолда жойида ижобий ҳал этилди. Муддат талаб қилган мурожаатларни белгиланган тартибда ўрганиб чиқиш ва ижобий ҳал этиш чораларини кўриш юзасидан масъулларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

2023-11-08 11:31:37